

# ПОЧТА АЛОҚАСИ БОҒЛАМАЛАРИДА ЖҮНАТМАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА КЕЛАЖАГИ

**АХМАДБЕКОВ ХОКИМБЕК ХАСАН ЎҒЛИ**  
**ИИВ АКАДЕМИЯСИ**

Почта алоқаси тизимидағи ишлаб чиқариш жараёнларининг тахлили шуни күрсатадыки, функционал нұқтаи назардан энг мураккаби бўлиб чиқиш, кириш ва транзит оқимларини боғлашни амалга оширувчи магистрал почта алоқаси боғламалари қайта ишлаш технологик жараёнларидан бири ҳисобланади. Почтамтларда ҳамда боғламаларда ёзма шароитида анъанавий қўл меҳнати усуллари технологик жараённинг самаралилиги ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Бу ҳолат ёзма корреспондияни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган машина технологиясига ўтишни талаб қилди. Соҳа техник ривожланиши даражасининг ҳамда ресурсларининг чекланганлиги оқибати хатларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш ривожланган давлатларда бир нечта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда механизация воситаларини ишлаб чиқувчиларнинг асосий эътибори технологик жараённинг функционал жихатдан мураккаб ва меҳнатни қўп талаб қилувчи қисми – ёзма корреспондентияни саралашнинг автоматлаштиришга қаратилди. 1927 йилдан 1957 йилгача бўлган даврда автоматик цикл билан ишловчи (юклаш, хатларни тўпловчи (накопитель)ларга тақсимлаш) яrimавтомат хат сараловчи машиналар яратилди ва эксплуатация қилинди. Бироқ бу машиналар технологик жараённинг ёндош операциялари (хатлар пачкасини шакллантириш ва машинанинг киритиш қурилмасига узатиш; хатлар пачкаси тўпловчилардан олиш; транспорт-тақсимлаш тизими ишининг сифатини назорат қилиш) билан ўзаро муносабатни ташкил қилиш мақсадида автоматик циклни янгилаш (хатларни сортировкага киритишни ташкил қилиш; почта адресини ўқиши; сортировка йўналиши ва жамловчи номери хақида қарор қабул қилиш) жараёнида инсон аралашувини талаб қиласди.

Автоматлаштиришнинг иккинчи босқичи (1957йилдан 1968 йилгача) хатларни қўлда кодлаш усулини киритишдан иборат бўлди. Бу эса оператор-саралашнинг хатларни текшириш операциясини енгиллаштириди ва полуавтоматнинг эксплуатацион унумдорлигини техник унумдорлигига яқин холатга кўтариш имконини берди. Шунингдек хатдаги почта манзилини ўқиш жараёнини автоматлаштиришга тегишли баъзи йўл-йўриқлар ярайди. Худди шу даврда маҳсус кодловчи аппаратлар яратиш фикри пайдо бўлди. Бу аппаратлар ёрдамида кодловчи операторлар қўл ёзма ёки машинада ёзилган почта манзилини автоматик ўқиш ва таниб олиш учун энг оддий бўлган кодланган шрифт (штрихкод) ёрдамида конвертнинг маълум бир жойига уриладиган код штампига ўтказиш амалий имкониятига эга бўлдилар.

Чиқиш хатларини ўрнидан кодлаш қўшимча операциясини қўллаш самарадорлиги моддий харажатларни қисқартириш ҳамда саралашнинг кейинги босқичларида меҳнат унумдорлигини ошириш хисобига эришиларди.

Шу билан бирга автоматлаштиришнинг иккинчи босқичда саралаш билан ёндош операцияларин механизациялаштириш ва автоматлаштириш бўйича ишлар амалга киритилди. Хатларни олдиндан қайта ишлаш учун машиналар яратилди (хатларни ўлчами, жўнатув тури ва қаттиқлиги бўйича ажратиш машиналари; штемпель ва юза-штемпель машиналари; постпакетларни боғлаш ва саралаш қурилмалари). Лойиҳа-конструкторлик ишларининг ушбу бутун комплекси юклаш тушириш ва ички ишлаб чиқариш транспортировкаси операцияларини механизациялашнинг анъанавий воситаларидан ҳар томонлама фойдаланишга асосланди. Бунда операциялараро алоқаларни ташкил этишнинг уникал воситалари яратилди.

1968 йилдан ёзма корреспонденцияни қайта ишлаш технологик жараёнини автоматлаштиришнинг учинчи босқичида бошланди. У шуниси билан характерлики, почта алоқаси корхоналарида қўлланилаётган яримавтоматик машиналар юклама ошиши шароитида меҳнат унумдорлиги сатҳини ўсишида тўсиқ бўлаяпти. Шунинг учун бу босқичда автоматлаштиришнинг асосий вазифаси бўлиб, почта қайта ишловчи машиналари бошқариш жараёнида ҳамда ёрдамчи операциялардаги “тирик” меҳнатдан фойдаланишни энг кичикка (минимумга) етказиш жараёнида инсон аралашувига чек қўйиш хисобланади.

Автоматлаштиришнинг бу босқичи ёзма корреспонденцияни қайта ишлаш учун ихтисослаштирилган автоматик машиналарни (МАП-0, МАП-1, МАП-2, ЛШМ-3, МРП-3, МРЛ ва ҳк.) босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва эксплуатация қилиш билан характерланади. Ушбу синфдаги машиналар эксплуатациясида инсон аралашувини камайтириш ёзма корреспонденцияни қайта ишлаш яхлит механизациялашган жараёни (қайта ишланган хатлар бўлаги (партияси)ни бир босқичдан бошқасига узатиш; тайёр маҳсулотни олиш ва қадоқлаш; технологик жараёнини боришини назорат қилиш) боришда ўзаро технологик муносабатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ёрдамчи операцияларни бажариш заруриятига келиб тақалган эди.

Автоматлаштиришнинг тўртинчи босқичида (1980 йилдан бошланган) куйидаги аспектлар билан характерланади:

- 1) Почта манзили ва бошқа реквизитларни ўқиш ва таниб олишнинг энг янги усулларини қўллаш;
- 2) Почта қайта ишлов машиналарида операцияларни бошқариш ва назорат қилиш учун хисоблаш техникасини қўллаш;
- 3) Автоматик линия ва комплексларни яратиш;
- 4) Йирик почтамтларда ёзма корреспонденцияни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган технологик жараёnlарини киритиш (йўлга қўйиш).

Табиийки, технологик жараёни автоматлаштириш даражаси мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг умумий холатига боғлиқ бўлиб, почта алоқаси тизимидағи ресурслар билан чекланган. Шунинг учун кўриб чиқилаётган ушбу автоматлаштирилган технологик жараёnnинг автоматлаштириш даражаси катта эмас ва бундан келиб чиқадики, хажмдаги иш қўлда ёки ёрдамчи қурилмалардан фойдаланиб бажарилади. Бу шароитлар “тирик” меҳнат баҳоси сезиларли даражада кўтарилимагунча сақланиб туради, бу эса ўз навбатида автоматлаштириш усул ва воситаларини мукаммаллаштиришга туртки бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг почта алоқаси миллий оператори сифатида республика миқёсида 2 мингга яқин почта алоқаси обьектига эга бўлиб, барча аҳоли пунктларини қамраб олган.

Шу билан бирга, Миллий оператор тармоғини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида Ўзбекистон 93-ўринда қолмоқда. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида мамлакатимизни **биринчи 50 таликка киритиш** мақсадида:

1. Куйидагилар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

а) хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш бўйича:

почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда **“якуний манзил” хизматини жорий этиш;**

почта алоқасининг анъанавий хизматларини такомиллаштириш, уларни рақамлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва етказиш жараёnlарига

**ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш** орқали аҳоли, бизнес ва давлат идораларига замонавий хизматларни тақдим этиш;

“Гибрид почта” жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сонини **2 баробарга** ошириш;

б) электрон тижорат бозоридаги фаолиятни ривожлантириш бўйича:

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш имкониятини берувчи **электрон савдо**

**майдончаси ахборот** тизимини яратиш;

логистика марказларини ташкил этиш, **товарларни сақлаш ва**

**етказиб беришни ўз ичига олган хизматларни йўлга қўйиш** ва ривожлантириш;

в) хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантириш бўйича:

почта алоқаси обьектлари орқали тўловларни онлайн режимда қабул қилиш автоматлаштирилган тизимини модернизациялаш ва унинг мобиль иловасини ишлаб чиқиши;

республиканинг камидা **1 000 та почта бўлимида**, айниқса, **олис ва чекка худудларда молиявий хизматлар** турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилишни **икки баробарга** кенгайтириш ҳамда аутсорсинг асосида **банк хизматлари** кўрсатилишини йўлга қўйиш;

олис ва чекка худудлардаги почта бўлимида **давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш**;

почта алоқаси соҳасида жорий этилаётган янги хизмат турларини инобатга олган ҳолда Миллий оператор тизимида фаолият юритувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш[1]га эътибор бериб келмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, ушбу йиғилишда почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳа барқарорлигини таъминлаш муҳим масала[2] ҳисобланишини айтиб ўтдилар.

Почта алоқасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ривожланган давлатлар тажрибаси бунга мисол бўла олади. Барча соҳаларда интернет шиддат билан кириб келаётган ушбу кунда, мамлакатимиздаги почта алоқасини автоматлаштириш ҳамда аҳолига мобил хизмат турларини очиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ[3]. Йиллар давомида почта алоқаси ривожланди ва технологиялари такомиллашди. Мамлакатимизда почта алоқасида автоматлаштирилган мобил дастури жорий қилиш орқали почта хизматлари сифатини, тезлигини ошириш имконини беради десак тўғри айтган бўламиз.

## Иқтибослар:

1. Янги Ўзбекистон. <https://yuz.uz/news/pochta-alloqasi-xizmatlarini-korsatish-tizimini-tubdan-takomillashtirish-chora-tadbirlari-tobrisida>.
2. Ахмадбеков Х.Х. Ўзбекистонда почта жўнатмаларига ишлов бериш тизимини автоматлаштириш. Proceedings of Global Technovation 2 th International Multidisciplinary Scientific Conference/ Hosted from London, U.K. December 28 th 2020 – Б 120.
3. Холматома Г.И., Ахмадбеков Х.Х. Почта алоқаси хизматларида автоматлаштирилган мобил дастурининг аҳамияти. Proceedings of Global Technovation 3 th International Multidisciplinary Scientific Conference/ Hosted from Granada, Spain. December 30 th 2021 – Б 70.